

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ СИР САҚЛАНИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

Мауленбергенова Гулмира Бахберген қизи

*Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат  
университети Юридика факультети 2-курс талабаси*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада фарзандликка олишнинг сир сақланиши, фарзандликка олувчиларга қуйиладиган талаблар ва фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.*

**Калит сўзлар:** *фарзандликка олиш, фарзандликка олувчилар, фарзандликка олиш сирини, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, фарзандликка олишни бекор қилиш.*

Оила кодексининг 153-моддасига мувофиқ, фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади. Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига ҳилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар [1].

Шунингдек, болани фарзандликка олишни сир сақлашга қаратилган ҳаракатларга қуйидагилар киради:

✓ фарзандликка олувчи аёл томонидан болани ўзи дунёга келтиргандек сунъий ҳаракатлар қилиниши мумкин, бу мақсадда бола туғилгунгача ва туғилгандан кейинги дам олишни (отпускни) расмийлаштиради, туғруқхонага жойлашади ва у ердан фарзандликка олинган боласи билан чиқади, атрофдагиларга уни ўзи тукқан, ўз боласи сифатида таништиради;

✓ фарзандликка олиш тўғрисидаги ишнинг ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилиши;

✓ болани фарзандликка олган шахснинг эркига қарамасдан, фарзандликка олиш вақтини хизмат бобидаги ва касбий сир сифатида сақлашга мажбур бўлган шахс тамонидан ёки бошқа шахс тамонидан

ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб ёки бошқа паст ниятда ошкор қилгани учун жинойий жавобгарликнинг белгиланиши;

✓ фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинган бола ўртасида энг кам ёш оралиғини белгилаш;

✓ болани фарзандликка олувчилар яшайдиган жойи бўйича эмас, бошқа яшаш жойи бўйича фарзандликка олиш мумкинлиги [2].

Ота-онаси томонидан судда фарзандликка олишга берилган розилик суд мажлисининг баённомасида ёзилиши ва улар шахсан ўзлари имзо қўйган бўлиши, шунингдек, суд қарорида кўрсатилиши керак. Бунда ота-отанинг ҳуқуқларининг устунликка эга бўлишидан келиб чиқиб, уларнинг хоҳлаган бири, болани фарзандликка олишни белгилаш тўғрисида суднинг қарори чиқарилгунга қадар, ўзлари тамонидан олдин фарзандликка олишга берган розилиги, бундай ҳаракатга нима сабаб бўлишига қарамасдан қайтариб олиши мумкин. Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолатларда ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади:

✓ ота-онанинг кимлиги белгисиз бўлса;

✓ ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган бўлса;

✓ ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки ўлган деб тан олинган бўлса;

✓ ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса. Шунингдек, вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга тўлиши билан ота-оналик ҳуқуқлари мустақил амалга оширишга ҳақли эканлигин ҳисобга олган ҳолда (ЎзР Оила кодексининг 72-моддасига мувофиқ), ўн олти ёшга тўлмаган ота-оналарнинг боласи фарзандликка олинаётганда, уларнинг розилигидан ташқари, ота-онанинг қонуний вакилларининг, қонуний вакиллари бўлмаганда - васийлик ва ҳомийлик органининг ҳам розилиги талаб қилинади.

Иккинчидан, ғамхўрлик ёки васийликдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасининг розилиги талаб қилинмаса, ғамхўрлик қилувчи ёки васийнинг розилиги билан амалга оширилади. Шунингдек, давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминоти остидаги болаларни фарзандликка олиш, агар уларнинг ота-онасининг розилиги талаб қилинмаса, у ташкилот маъмурияти розилиги билан амалга оширилади.

Учинчидан, ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун ўнинг розилиги талаб қилинади. Балонинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи тамонидан ёки фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни кўриш вақтида суд тамонидан аниқланади, шунингдек, агар бола фарзандликка олувчиларнинг

оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз отаонаси деб тан олса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Тўртинчидан, агар бола эр-хотиннинг бири тамонидан фарзандликка олинаётган бўлса ( иккинчиси тамонидан олинаётган бўлмаса), бундай ҳолатда иккинчисининг (эр ёки хотиннинг) фарзандликка олиш учун розилиги талаб қилинади [3].

Фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ва васийлик ва ҳомийлик органи, фуқаролар фарзандликка олувчи талабгор сифатида ҳисобга олингандан кейин, уларга фарзандликка олиш ҳақидаги маълумотларни тақдим этади ва бола (болалар) яшайдиган ўринга болани (болаларни) кўриш учун рухсатнома беради.

Фарзандликка олишга талабгорлар:

- ✓ бола билан танишишга ва у билан мулоқот ўрнатишга;
- ✓ фарзандликка олинган боланинг ҳужжатлари билан танишишга;;
- ✓ боланинг соғлиги ҳақидаги тиббий хулоса билан танишиб чиққанлиги ёзма шаклда тасдиқлашга мажбур [4].

Болани фарзандликка олишни бекор қилиш суд тартибида амалга оширилади. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга киргандан бошлаб фарзандликка олиш тўхтатилади. Шунингдек, суднинг қарорида фарзандликка олинадиган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исмини сақлаш ёки сақламаслик тўғрисидаги маълумот кўрсатилиши керак. Боланинг фамилияси (фарзандликка олувчининг фамилиясига), исми ( янги исмини фарзандликка олувчи танлайди), шунингдек, отасининг исми (агар фарзандликка олувчи эркак киши бўлса унинг исмига, ёки бола аёл киши тамонидан фарзандликка олинса - у тамонидан фарзандликка олинган боланинг отаси сифатида кўрсатилган одамнинг исмига) ўзгартирилиши мумкин. Агар фарзандликка олинган бола ўн ёшга тўлган бўлса фамилиясини, исмини ва (ёки) отасининг исмини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда бола ва уни фарзандликка олувчиларнинг, шунингдек, уларнинг қариндошларининг ўртасидаги ҳуқуқлари ва бурчлари тўхтатилади. Агар буни боланинг манфаатлари талаб қилса, унда бола ва унинг ота-онасининг (унинг қариндошларининг) ўртасидаги ҳуқуқлари ва бурчлари қайта тикланади. Бола суднинг қарори бўйича ота-онасига берилади [5]. Ота-онаси бўлмаса, шунингдек, уларга болани бериш унинг манфаатларига қарама-қарши келса, бу ҳолатда бола васийлик ва ҳомийлик органларининг васийлигига берилади.

Қонун болани қайтадан фарзандликка олиш имконияти беради. Лекин, фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи суд қарори суд тартибида бекор қилингандан сўнг болани қайтадан фарзандликка олинишига йўл қўйилади [6].

Хулоса қилиб айтганда, фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади ва фарзандликка олиш тўғрисидаги барча маълумотлар сир сақланиши қонун билан таъминланади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. " Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.12.2013 йилдаги 21-сонли қарори.
2. Антокольская М. В. Семейное право. Учебник.- М.: Юристъ, 1996.- С. 324
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.
4. «Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш ва оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги Низом. 21.08.2007.179-сон.
5. Антокольская М. В. Семейное право. Учебник.- М.: Юристъ, 1996.- С. 322